

Жойларда назорат-тектирув органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятга асосиз аралашиб ва ноқонуний тектиришлар ўтказиб билан боғлиқ ҳолатлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Ноқонуний қарорлар прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.



Гарчи нафақа миқдорини ошириш унинг ваколатига кирмас-да, Адҳамжон вазиятдан фойдаланади. М.Музаффаровага қонуан тўғри йўл кўрсатиш ўрнига уни чалғитиб, пора беришга ундайди. Ногиронлик гуруҳини ўзгартириб беришини айтиб, бу иш озгина харажат талаб қилишини қистириб ўтади...



Mustaqillik huquq demakdir

Н И Ш О Ш И Қ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 22-yanvar, №3 (940)

Семинар

Қонунлар ижроси амалда

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли муҳофаза этишдан иборатдир. Жамиятда шахсга нисбатан асосиз жиноий таъқибга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир. Бу борада мамлакатимизда ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмақда.

Сандобит ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг матбуот хизмати
бўйича катта ёрдамчиси

қонуний манфаатлари амалда тўлиқ муҳофаза этилишига эришиш юзасидан келгусидаги вазифаларни белгилаб олишдан иборат бўлди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узаков кириш сўзи билан очди. Йиғилишда сўзга чиққанлар уй қамоғи, унинг тушуңчаси ва мақсади, аҳамияти, қўллаш тартиби, жойи ва муддати, бу борада белгиланган тақиқ (чекловлар) таснифи ва мазмуни, бу эҳтиёт чораси ижросини амалга оширувчи органлар ва уларнинг вазифалари ҳамда бошқа масалалар юзасидан маърузалар қилишди. Мавзу бўйича иштирокчиларни қизиқтирган саволларга Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси офицерлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва мутахассислар томонидан атроф-лаҳса жавоблар берилди.

Тадбир якунида "Кексаларни эъзозлаш йили"да ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳамда кекса фахрийларимизнинг ижтимоий муҳофазасига доир қонун ҳужжатлари ижросини амалда таъминлашни кучайтиришга қaratилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, шунингдек, Юртбошимиз ва халқимизнинг улкан ишончини амалда оқлаш ҳар бир ҳарбий хизматчининг зиммасидаги олий бурч эканлиги таъкидланди.

Жумладан, 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган процессуал мажбурув чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.


Маълумки, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганда унинг ёшени, соғлиғи ҳолатини, oilaviy аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсади номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Фуқароларимизнинг, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг бу каби ўзгартиш ва янгиликлар моҳияти ва аҳамиятидан тўла хабардорлиги эса амалга оширилаётган ислохотлар самарасининг бирламчи омили саналади.

Шунинг учун янги қонунларни, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчиларга доимий равишда етказиб бориш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари зиммасидаги долзарб вазифалардан биридир.

Шу мақсадда ҳарбий прокуратура органлари томонидан йиғилишлар, семинар ва давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири Республика Ҳарбий прокуратураси таллаббуси билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўтказилди.

Тадбирда Республика Ҳарбий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Чегара қўшинлари ва Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондонликлари, Адвокатлар палатаси ҳамда соҳага алоқадор бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад — уй қамоғи эҳтиёт чораси ва қўллаш тартибига доир қонун талабларини мазмун-моҳиятини, шунингдек янги қабул қилинган қонунлар, қонунчиликдаги охириги ўзгартиш ва қўшимчалар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг аҳамиятини ижрочиларга ва ҳарбий хизматчиларга тушуңтириш, бундан ташқари, миллий армиямиз тизимида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий интизом ва жанговар шайлини барқарор сақлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг, шу жумладан, аруш ветеранлари ва Қуролли Кучлар фахрийларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда



Имтиёз учун тест синовлари бошланди

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми ва муассасаларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар дават тест синовларини топширмоқдалар. Мазкур тест синовлари ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномасини олиш учун номзодларни саралашнинг якуний босқичидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш ҳамда уларга берилмаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда тегишли тавсияномага эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимиздаги олий ўқув юр்தларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдориди, қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Номзодлар бундай тавсияномани олиш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, ҳарбий интизом ва тест синовлари натижалари бўйича энг кўп балл тўплаши зарур.

Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юр்தларига кириш учун тавсиянома бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар ва

зирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорига биноан тасдиқланган махсус низоом билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарликка оид дастурларни ўзлаштириш даражаси ва билимини якуний баҳолаш учун масъул этиб тайинланган.

Жумладан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисми ва муассасаларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган юрт посбонлари биринчилардан бўлиб ўз билимини синаб кўрди.

Тест синовлари мавзуга оид уч йўналиш — умумҳарбий, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат. Намунавий тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, уларнинг жанговар-хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли тектирувдан ўтказилган, ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар жорий йил март-апрель ойларида мuddатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутди.

Ўз муҳбиримиз

Партиялар сайловда иштирок этади

Маълумки, шу йилнинг 29 март куни юрти-мизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Республикамиз оммавий ахборот воситаларининг хабар беришларича, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.


Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Ушбу ҳужжатлар тўплами сайловда иштирок этиш

тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўртта сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатга олинганлик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партияларга эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қаида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Ноқонуний иш фош бўлди



Мамалякатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилгани боис, бугунги кунда хусусий сектор ривожланиш сари дадил одамламоқда. Бу нафақат аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишида, балки давлатнинг ҳам иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани сир эмас.

Жондорлик Акмал Мўминов ҳам яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қонуний рўйхатдан ўтиб, ёғоч маҳсулотлари сотиш фаолиятини

йўлга қўйди. Дастлаб у Давлат солиқ қўмитаси, божхона ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириб, нақд пул тушумларини ҳам банкка топшириб, рисоладагидек ишлаб

юрди. Кейинчалик эса "оқиб келаятган" даромаддан бироз шошиб қолди. Энди у шахсий манфаатини ўйлай бошлади.

2013 йил 14 августдан 2014 йилнинг 3 июнигача бўлган вақт давомида Жондор туманидаги "Дехқон" бозори ҳамда Бухоро шаҳридаги "Дилқушо" деҳқон бозори ҳудудида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган кишилардан катта миқдорда хорижий валютани йиғиб олиб, Россия Федерациясининг турли шаҳарларидаги ёғоч маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган корхоналарга "Капиталбанк"нинг Бухоро филиали Жондор минибанки

орқали ўтказиб, ёғоч маҳсулотларини қабул қилиб олади. Аммо Ўзбекистон Республикаси божхона постлари орқали 1 млрд. 207 млн. 248 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини қонунга хилоф тарзда ўтказаятганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. "Узумини енг-у, боғини суриштирмам", қабилада иш кўрган А.Мўминов тегишли норматив ҳужжатлар талабларини кўпол равишда бузиб, ушбу маҳсулотларни аҳолига чакана савдо қилиш йўли билан сотиб юборди. Товарлар сотувидан тушган миллионлаб пулларни эса назорат-касса машинаси билан ўтказмайди, банкка ҳам топширмайди.

Олим ДАВЛАТОВ,
Жондор туман прокурори

Фаолиятини қонунлар асосида йўлга қўйган, фэйриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этмаган тадбиркорни қонун ҳар қандай бюрократик тўсиқлар, асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилади. Бироқ, қонунларни четлаб, ноқонуний йўллар билан даромад топишга уринганлар қонуннинг назаридан четда қолмайдилар.

Суднинг ҳукмига кўра Акмал Мўминов 28 млн. 831 минг сўм жарима тўлаб, 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум бўлди.

"Сам-бино қурилиш" маъсуляти чекланган жамияти темирйўлга яқин жойда жойлашгани сабабли, унинг ҳудудига юкли вагонлар киритиларди. З.Собиров ана шу вагонларга юкларни ўзлаштиришни режа қилди ва таниши — Зарафшон темирйўл бекатида назоратчи бўлиб ишловчи Анвар Тўхтамишов билан ўзаро тил бириктирди. Шунингдек, улар яна бир-икки йигитни ҳам ўзларига шерик қилиб олишди.

Темирйўл талончилари

Қаҳҳоржон МУҚУМОВ,
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси

Кўп ўтмай Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси томонидан Самарқанд бекати ёнидаги оғир хўжаликга юборилган 65 тонна дизель ёнилғиси юкланган вагон цистернаси "Сам-бино қурилиш" МЧЖ корхонаси ҳудудида олиб кирилди. Ундаги троссли тамғани очиб, 42 млн. 740 минг сўмлик 20 минг 172 литр миқдордаги дизель ёнилғисини олиб қолишди. Тунда содир бўлган бу ўғирликдан ҳеч ким хабар топмади.

Осон йўл билан келган пул мойдек ёққан жиний шериклар бу билан тўхтаб қолишмади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси томонидан юк хати билан "Электртармоққурилиш" ОАЖга қарашли меҳамланмага 48 минг 360 литр дизель ёнилғиси юборилганидан хабар топишиб, яна ишга киришишди. Юк этиб келгач, кечаси вагон цистернасини корхона ҳудудида олиб кириб, 2 тонна 745 литр дизель ёнилғисини қўлга киритишди. Ушбу ёқилғи номаълум шахсларга сотиб юборилди, пули эса шериклар ўртасида тақсимлаб олинди. Аммо шахар бедарвоза эмас. Ушбу ўғирлик тезда ошқор бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан суриштирув ишлари бошланди.

Текширув чоғида З.Собировнинг бошқа кирдикорлари ҳам маълум бўлди. Аниқланишича, 2012 йилнинг апрелидан 2014 йилнинг июнига қадар бўлган давр мобайнида "Сам-бино қурилиш" МЧЖ томонидан 1 млрд. 28 млн. 600 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотлар харид қилиниб, нақд пулга сотиб юборилган экан. Қайта сотувдан тушган пул маблағларини эса корхона директори ва ҳисобчиси жамиятнинг ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўз манфаатлари учун сарфлаб юборадилар.

Бундан ташқари, З.Собиров жавобгарликдан қочиш мақсадида корхонанинг молиявий фаолиятга тегишли бўлган, қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни корхонада ўтказилган ҳужжатли тафтиш текширувидан яширишга уринади. Бироқ у жиний жавобгарликдан қочиш кутулломади.

Заррух Собиров ва Анвар Тўхтамишевлар суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазоларини олишди. Шунингдек, улар етказилган зарарни ҳам тўлашди.

Ватан — улғу, бурчим муқаддас!

Ёқубжон СОДИҚОВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурори

Ўтган давр мобайнида давлатимиз томонидан Қуролли Кучларга ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар бериш, уларга замонавий шарт-шароитларга эга бўлган хизмат жойларини яратиш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий муҳофаза қилиш юзасидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилганлиги барчамизга маълум. Бу эса ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни янада кучайтирди, Қуролли Кучлар нуфузини эса яна ҳам оширди.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучлар тизимида ҳарбий интизомни барқарор сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазасини амалда таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу йўналишда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан ўтган 2014 йилда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Нукус гарнизонидаги ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган аҳолининг соғлигини сақлаш, уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси раҳбариятининг ташаббуси билан Нукус ҳарбий савдо бўлимига қарашли бўлган ва фойдаланилмай

келинаётган бинонинг алоҳида хонаси таъмирланиб, бу ерга чет элда ишлаб чиқарилган, сувни тозалаш, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳолга келтириб берувчи махсус ускуна ўрнатилди ва "Тозаланган ичимлик суви" шохбосқиси ишга туширилди. Қолаверса, бу жойда икки нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Шу билан бирга, Нукус шаҳридаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида жойлашган Мудофаа вазирилик тасарруфидоги кўп вақтдан бўён фойдаланилмай келинаётган қаровсиз бино ҳам реконструкция қилиниб, спорт мажмуаси талабларига мосланган ҳолда таъмирдан чиқарилди ҳамда спорт-соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланишига топширилди. Ҳозирда ушбу мажмуа нафақат ҳарбий хизматчиларнинг, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам спорт билан машғул бўлишларига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим муассасалари вакиллари, маҳалла фаоллари ва ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан ўтган йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида, Нукус шаҳридаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида жойлашган "Кўёшча" мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларда ўтказилган ишлохотлар натижасида бугунги кунда замонавий жанговар техникага ва юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилардан ташкил толган профессионал армия ташкил этилишига эришилди десак, муболага бўлмайди.

Манзилга етмаган омонатлар

Фирибгарлик энг ёмон имлатлардан саналади. Уни ўзига "касб" қилган кимса қанчалик ҳақиқатини сўзламасин, одамлар орасида унга бўлган ишонч йўқолади. Унга барибир шубҳа ёлган қарашади. Шундай бўлса-да, орамизда ёлгондан ҳазар қилмайдиганлар ҳамон учраб туради.

Жиззахлик Озод Инатов (исм-фамилияси ўзгартirilган) ҳам шундай, "қаловини топсандай, қор ёнади" деган нақлни ўзининг ғаразли ниятларига шиор қилиб олган фириб устаси эди. Ҳеч бир касбнинг бошидан тутмаган Озод тиркичилик ташвишида бирор иш билан шуғулланмоқчи бўлди. Ўйлай-ўйлай, "Жиззах-Тошкент" йўналиши бўйлаб киракалик қилишни мақсад қилди. Бироқ, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги уни ташвишлан тирди. Ёш бўлишига қарамай кўпни қуриб қўйган Озод ўйланиб ўтирмади.

Бу ишда эса яширинча қўлга киритган Соҳиб исмли фуқаронинг ҳужжатлари қўл келди. Озод бу одамнинг паспорт нусхаси-

ни компьютерга киритиб, расмининг ўрнига ўзининг суратини жойлаштирди. Бир зумда Соҳибга айланган ва унинг оғоҳлантириш талонидан фойдаланишига киришди.

Толмас исмли фуқаро машинасини ижарага бераётганини эшитиб, у билан учрашди. Бу ерда ҳам ишни тезда битирди. Ҳар ойда 1 млн. сўм ижара пули бериб туриш эвазига Озод билан Толмас нота-риал идорада шартнома тузишди.

Машина қўлга киритилгандан кейин ўтган давр мобайнида, "ўрганган кўнгли ўртанса қўямас", деганларидек, Озод машина эгасига 600 минг сўм тўлади, холос. Қолган ойларида эса "эртага-индига" дея фирибини ишлатиб юрверди.

Пул учун ҳеч нарсадан тап тортмайидан Озод ўзгаларнинг омонатига бир неча бор хиёнат ҳам қилган экан. У Тошкент шаҳридан Жиззахга пул бериб юбораётган шахсларни ҳам чўв туширганлигини тан олди. О.Инатов Аҳмад исмли шахсдан 6 млн. 950 минг сўм пулни олиб, танишига етказиб бериш учун ваъдани куюқ қилади. Аммо йўл-йўлақай пулнинг 1 млн. 350 минг сўминини ишлатиб юбориб, қолганини элтиб беради. Омонатнинг эгасини ҳам "бугун-эрта бераман", деб алдаб юборавради. Бировнинг ҳақидан кўрқмайидиган Озод кўп ўтмай Жиззахлик Н.Рустамовани ҳам шу тахлит алдаб кетади. "Қўйлик бозоридоги бир кишига етказинг", деб берилган 3 млн. сўм манзилига етиб бормайди. Пуллар Озоднинг нафси йўлида сарфланади.

Қунларнинг бирида О.Инатов йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, ма-

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

шинага 3 млн. сўмлик зарар етказди. Шартномага кўра, машинани ўзи таъмирлатиши кераклигини билса-да, бундай қилмайди. Аксинча, таъмирталаб машинанинг газ анжомларини 1 млн. 300 минг сўмга, ўриндиқларини 3 млн. сўмга, бошқа эҳтиёт қисмларини 1 млн. 700 минг сўмга пуллаб юборди. Шунингдек, машина эгасига ўзаро келишилган 12 млн. сўм ижара ҳақини ҳам бермайди. Оқибатда, бу йигит машина эгасига 21 млн. сўм моддий зарар келтирди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан унинг қилмишлари фош этилди. Йлгари ҳам фирибгарлик жинояти содир этгани учун судланган Озод Инатов бу сафар суд ҳукми билан 6 йил-у 3 ой муддатга озолиқдан маҳрум этилди.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан аёллар ҳимоясини, уларнинг гендер тенглигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш борасида маълум бир ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, БМТ томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси ва уларнинг дискриминация қилинишига қарши курашишга оид 60 тадан зиёд халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бу бежиз эмас, албатта.



Пердегали УСЕНОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари янада кучайтирилди.

Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифалари ва масъулияти Бош прокурорнинг тегишли буйруқ ва топшириқларида аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Жойларга Бош прокурорнинг махсус топшириғи юборилган. Топшириқда прокуратура органларига:

— аёлларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, уларга берилган қўшимча қофлат ва имтиёزلарнинг амалда таъминланиши, тadbиркор аёлларни қатъиян ҳимоя қилиш;

— ҳомиладор ва ёш болали аёллар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйилишининг олдини олиш;

— оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш устидан таъсирчан назорат ўрнатиш каби қатор вазифалар юклатилган.

Умуман олганда, мазкур топшириқда аёлларнинг қаерда бўлишидан қатъи назар, ишда ёки жамоат жойида камситилиши ҳолатларига қарши кескин курашиш лозимлиги талаб қилинмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан доимий равишда назорат тadbирлари амалга оширилмоқда. Афсуски, текширишларда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари аниқ-

ланмоқда. Айниқса, ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, ҳомиладор ёки уч ёшгача фарзанди бўлган аёлларга қўшимча таътил ва бошқа имтиёزلарни қасддан қўллагаслик ҳолатлари мавжуд. Масалан, Зарафшон шаҳридаги "Агама" трикотаж-тўқимачилик фабрикаси директори А.Умаров квота йўлланмалари билан келган З.Фармонова, Н.Саттарова ва Н.Рўзиеваларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган. Шу каби Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи А.Яқубов бола парвариши таътилидан қайтган Г.Ҳамидуллаевани ишга қабул қилмаган. Қонун талабларини бузган ушбу раҳбарлар маъмурий жавобгарликка тортилиб, хотин-қизларнинг ишга жойлашиши таъминланди.

Шунингдек, Поп туманидаги "Муруват уйи" директорининг буйруғи билан ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган деган ваҳми асос қилиб, С.Алимова катта ҳамшира лавозимидан озод этилиб, навбатчи ҳамшира вазифасига ўтказилган.

Текширишда ишдан бўшатиш учун асослар етарли бўлмаганлиги, қонунда белгиланган тартиб қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Албатта, ушбу ноқонуний буйруққа протест келтирилиб, аёلнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Шу каби Қосонсой қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи директори Н.Абдурахмонов коллеж ўқитувчиси Г.Халиловани ноқонуний равишда ишдан бўшатганлиги учун маъ-

мурий жавобгарликка тортилиб, Г.Халилова прокурорнинг даввосига асосан суд қарори билан ишга тикланди.

Қонун ҳужжатлари билан берилган имтиёزلарни бермаслик хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг яна бир кўринишидир. Меҳнат кодексига айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча қофлат ва имтиёзлар бериш ҳақида бир неча моддадан иборат алоҳида боб мавжуд. Шундай бўлишига қарамасдан, мутасадди идораларнинг айрим мансабдор шахслари томонидан меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёزلарни атайин қўллагаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Л.Адиғанованинг ишга қабул қилинишида қонунда белгиланган имтиёзга эга бўлишига қарамасдан, Савдо-саноат палатаси раисининг буйруғи билан унга ноқонуний равишда 3 ойлик синов муддати белгиланган. Шунингдек, Самарқанд тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Г.Султонова, Пискент туманидаги "Агросаноат ва иқтисодиёт" касб-хунар коллежи ўқитувчилари Х.Умаржоновна, Ш.Жўраева, З.Зокирова, Ш.Тўйчиева, "Қурилиш ва миллий хунармандчилик" касб-хунар коллежи ходимлари Н.Қорабоева, С.Жабборова, Г.Рустамбекова, М.Ахметова, М.Умаралиева, "Саноат, иқтисодиёт ва сервис" касб-хунар коллежи ўқитувчилари З.Даминова ва Х.Маждивонанинг икки ёки ундан ортқ фарзандлари бўлса-да уларга меҳнат таътили берилишида Меҳнат кодексига назарда тутилган қўшимча имтиёзлар қўлланилмаган. Шу каби Қўнғирот ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отрядида ишловчи ўн икки ёшга тўлган болалари бор 7 нафар аёлга ҳам қўшимча таътиллари берилмасдан, қонун талаблари бузилган. Прокурорлар томонидан қўлланилган назорат ҳужжатларига асосан ушбу аёлларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

(Давоми 7-бетда)

Тadbиркорлар манфаатлари йўлида

Юртимизда осийишга ва барқарорлиқни таъминлаш, қонунчилиқни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда одам судловнинг вазифаси катта.

Прокуратура органлари томонидан республикада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат олиб борилмоқда.

Назорат тadbирларида жойлардаги архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралаштириш каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаётганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилади. Хусусан, назорат тadbирларида тadbиркорлар манфаатларини поймол қилувчи қарорлар қабул қилинганлиги, уларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган муддатда қўриб қилинмаганлиги, ортқиқа йўл, ҳисобот ва маълумотлар талаб қилинганлиги, ноқонуний топшириқ беришганлиги, тadbиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашганлиги, муҳандислик-комму-

никация тармоқларидан асоссиз равишда узилганлиги ва бошқа қонунбузилишлар содир этилганлиги аниқланди.

Текширишларда айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан тadbиркорлар манфаатларини поймол қилувчи ноқонуний қарорлар қабул қилиш ёки мажбурият юклатиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Кегейли туман ҳокими П.Даулетовнинг фармойиши билан 116 та хўжалик юритувчи субъектларга "Ташаббус-2014" танловини ўтказиш учун ҳомилик қилиш мажбурияти юклатилган. Ушбу ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тadbиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тadbиркорларнинг мурожаатларини қўриб қилинмаслик ёки қўриб қилиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Мисол учун, Гиждувон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Исмоилов 8 нафар яқна тартибдаги тadbиркорнинг савдо дўконлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги мурожаатларини қўриб қилиш муддатларини узрли сабабларсиз

бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортидди.

Шунингдек, айрим маҳаллий ҳокимликлар ҳузурдаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда ортқиқа ҳужжат талаб қилиш ҳолатлари аниқланган. Масалан, Дўстлик туман ҳокимлиги ҳузурдаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Ш.Товбаев тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтказишни сўраб мурожаат қилган 30 нафар фуқародан ортқиқа ҳужжатлар талаб қилиш орқали уларнинг қонуний фаолиятига тўсиқлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортидди.

Жойларда назорат-текширув органлари томонидан тadbиркорлар фаолиятига асоссиз аралаштириш ва ноқонуний текширишлар ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилишига қарамасдан, Пахтачи туман ДСИ бошлиғи А.Фаниев 59 та бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги ноқонуний қарорларни қабул қилган. Ноқонуний қарорлар прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тadbиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, қонунбузилишига йўл қўйган туман

ДСИ бошлиғи эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Айрим ҳолатларда назорат-текширув органлари томонидан тadbиркорлар қонунга зид равишда маъмурий жавобгарликка тортилган. Масалан, солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмагани учун "Буюк истиқлол транс сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Уриновни маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса-да, у Бухоро шаҳар ДСИ бошлиғи Б.Бозоровнинг ноқонуний қарори билан жавобгарликка тортилган. Мазкур қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди. Шунингдек, Давлат рақобат қўмитаси ваколатларидан 2013 йил 8 октябрдан бошлаб иқтисодий жазо қўлаш ҳуқуқи олиб ташланган бўлса-да, қўмита томонидан 3 та қарор билан тadbиркорлик субъектларига 1,1 млрд. сўм жарима қўлланганлиги аниқланиб, улар бекор қилинди.

Тadbиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг тезкор ва тўлақонли ҳимояланганини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизимида жорий этилган махсус "007" рақамли ишонч телефонларига келиб тушган 1726 та мурожаатнинг 1337 таси қаноатлантирилиб, тadbиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, ўтган йилда прокуратура органлари томонидан тadbиркорлик билан шу-

Аслиддин ТАШПУЛАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

гулланмоқчи бўлган 14070 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 5373 нафарига давлат рўйхатига олинишида, 599 нафарига рухсатномалар берилишида, 554 нафарига 720 млрд. сўм кредит ажратилишида, 585 нафарига 13,1 млрд. сўмлик қарзини ундиришида, 239 нафарига 3,7 миңдан зиёд гектар ер майдони ажратилишида, 206 нафарига биноларнинг ижарага берилишида, 112 нафарига муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштиришда, 94 нафарига эҳтиёт қисмлар берилишида, 50 нафарига хомашё ресурсларини харид қилишида, 8 нафарига маҳсулотларини муомалага кириштиришда ва 6250 нафарига бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилди. Натижада 8332 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш, кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этиб, пировардда, иқтисодиётнинг янада тараққий этишига, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда юртимиз нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Юртнинг эртанги истиқболи қандай бўлиши унда камол топаётган фарзандлар тарбиясига боғлиқ. Зеро, яхши тарбиягина нурафшон келажакка хизмат қилади. Шу боис ҳам, ёшлар камоли, фарзандларимиз таълим-тарбияси юртимизда ҳар жиҳатдан эътиборда турибди.

Болалар камоли — юрт истиқболи

Фарзанд тарбияси гоёат жиддий эътибор ва масъулият талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Гўдаклик палласидаёқ бола тарбиясини мукамал йўлга қўйиш, ҳеч шубҳасиз, унинг келажакда ҳар жиҳатдан етук инсон бўлишига замин яратди. Бироқ ҳаётда турли сабабларга кўра ота ёки она меҳридан бебахра болагонлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда таъкидлаб ўтадиган алоҳида жиҳат ҳам борки, бу ота-она қаровисиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларга васий ёки ҳомий тайинлаш билан боғлиқ масалалар.

Наманган вилоят прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган "Етим болалар ва ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси" мавзусидаги семинарда айнан шу жиҳат атрофича муҳокама қилинди.

Семинарда вилоятдаги таълим муассасалари раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, соҳага дахлдор ташкилотлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таълим берди.

Кайд этиш жоизки, Бош Қонуниimiz — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: "...Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиши таъминлайди...", деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда ҳуқуқимиз томонидан маҳрум бўлишидаги фаолиятга оид ўндан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга таъбиқ этилган. Вилоят прокуратураси томонидан маъруза соҳада ўтказилган текширишларда аниқланган бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилмоқда. Жумладан, текшириш натижалари ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари айрим ҳолатларда тўлақонли таъминланмаётганилиги, давлат органлари, муассасалар, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари бу борадаги вазифаларини лозим даражада бажармаётганликларини кўрсатди.

Маълумки, Оила кодексида мактабга таълим, умумтаълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қаромидан маҳрум бўлганлигини хабардор бўлган, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ота-она қаромидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органи-

Гўзал ШАРИПОВА,
Наманган вилоят прокуратураси катта ёрдамчиси

га хабар бермаслик, шунингдек, улар томонидан ота-она қаромидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган. Бироқ юқорида кўрсатилган қонун талаблари таълим, даволаш муассасалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етарли даражада таъминланмапти.

Ўтган йилда ота-она қаромидан маҳрум бўлган болалар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига хабар берилиши ҳақидаги мажбуриятни бажармаганлиги учун 30 дан ортқ мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Биргина Мингбулоқ туманида сентябрь ойида ўтказилган текшириш давомида ота-она қаромидан маҳрум бўлган 7 нафар вояга етмаганларга белгиланган тартибда васий ёки ҳомий тайинланмагани аниқланиб, қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг қаровисиз ва назоратсиз қолиши ноҳус ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, васийлик ва ҳомийлик органи билан таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозим.

Семинарда етим болалар ва ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вазифалари, шунингдек, уларнинг турар жойга оид ҳақ-ҳуқуқлари сақланишида васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари борасида фикр-мулоҳазалар билдирildi.

Музокаралар жараёнида юқорида айтиб ўтилган камчиликлар муҳокама қилинди, мутасаддиларнинг фикр ва таълифлари тингланди. Шунингдек, баён этилган ҳолатларни зудлик билан бартараф этиш, ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиши қонун талабларига мувофиқ таъминлаш, қўшимча чоралар қўриш бўйича мутасаддик идоралар вакиллари шўёрликка чақирildi.

Тадбир сўнггида вилоят прокуратураси томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикасида етим ва ота-она қаромидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" маъруза йўналишида фаолият юритиб келаётган ташкилот вакилларига тарқатилди.

Электрон тижорат — давр тақозоси



Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам юқори натижаларга эришиши, ҳазон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиш кўламли қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самардорлигининг ошишига қандай рол ўйнашига боғлиқ.

Бу борада Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади".

Ахборот технологияларининг кенг қўламадаги ривожини инсоният ривожланиши ҳолири босқичининг муҳим ҳодисаларидан бири ҳисобланади. Бу жараён таъсирида юз бераётган оламшумул ўзгаришлар инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида кенг қўламадаги янгилликларга олиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот технологиялари тизими жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва иқтисодий соҳавини ошириш функцияларини бажарган ҳолда, янги билимлар олиш ва уларни жамлаш жараёнида муҳим рол ўйнамоқда. Ахборот коммуникациялари ахборот олиш, ҳазон микросидаги ютуқлар, ҳазон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлиш, масофавий таълим, электрон тижорат каби хизматлардан фойдаланиши таъминланмоқда.

Бу соҳада, айниқса, ахборот технологияларини кенг қўламан ҳолда, электрон тижорат фаолияти билан шуғулланишда электрон тўловлар тизимидан фойдаланиш иқтисодий, банк-молия тизимларида муҳим рол ўйнамоқда. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимизда иқтисодий муносабатларнинг ривожини муҳим қадам бўлди.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, электрон тижорат деганда, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, ахборот тизими деганда, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган

жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари тушунилади.

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчиларидир.

Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, электрон тижорат шартнома асосида амалга оширилади. Бу борада электрон тижоратда шартнома қўйиладиган кунининг 9-моддасига мувофиқ, электрон тижорат шартнома асосида амалга оширилади. Бу борада электрон тижоратда шартнома қўйиладиган кунининг 9-моддасига мувофиқ, электрон тижорат шартнома асосида амалга оширилади.

Электрон ҳужжатларни айирбўшлов;

электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш тартиби) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;

электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таълим қабул қилинишини) ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товарлар (ишлар, хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлиги

Жўрабек РАХМАНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

ни оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбуриятини назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъи назар амалга оширилади.

Электрон тижоратда шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлиги асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.


"Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда савдони ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 30 январда "Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинган бўлиб, унга кўра, мамлакатимиздаги тадбиркорларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиши — Савдо-саноат палатасига Ўзбекистон Республикаси

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргилликда тадбиркорлар ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари кенг доирасини жалб этган ҳолда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш, шунингдек, электрон тижоратнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва уларни электрон тижоратнинг салоҳиятли иштирокчиларига ўртасида омма-лаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимининг қўламли кенгайиб бормоқда. Хусусан, қабул қилинган қонунчилик базаси ва замонавий технологиялар негизида яратилган инфратузилма тўғрисида мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар соҳаси ривожланиб, ушбу соҳада ҳўжалик юритувчи субъектлар фаол иштирок этмоқда. Соҳага замонавий технологиялар жорий қилиниб, ундан фол фойдаланилмоқда. Банк муассасалари томонидан Интернет тармоғи ва мобил алоқа орқали масофадан хизматлар кўрсатилимоқда. Бу борада шубҳасиз, келгусида электрон тижорат имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутаяди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

2014 йилнинг 10 апрелида қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга янгича қарашлар асосида ёндашилди. Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш сиёсатида қаттиқ жазо чораларини қўллаш эмас, мазкур ижтимоий-салбий ҳодисанинг олдини олиш ва уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш асосий йўналиш сифатида белгилаб олинди.



“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг турлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг викимологик профилактикасидаги иборат эканлиги белгиланган.

Умумий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайриижтимоий қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади. Умумий профилактика фаолияти давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқбузарлик сабабларини, уларга имконият яратувчи шарт-шароитларни, шунингдек, жиноий натижага эришишни энгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш фаолиятини ўз ичига олади.

Умумий профилактика чора-тадбирлар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ҳодиса сифатидаги ҳуқуқбузарлик сабабларини аниқлаш ва ўрганиш чора-тадбирлари;

— ҳуқуқбузарлик муайян турларининг (масалан, воғга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, рецидив ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва ҳоказолар) олдини олиш чора-тадбирлари;

— ҳуқуқбузарликларнинг муайян гуруҳлари ёки турларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имконият яратувчи шарт-шароитни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари;

— ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи ёки жиноий натижага эришишни энгиллаштирувчи объектив ҳолатларга барҳам бериш чора-тадбирлари.

Умуман олганда эса, умумий профилактика чора-тадбирларига ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, техникавий ва бошқа чора-тадбирлар киради.

Махсус профилактика кўпгина олимларнинг фикрича, ҳуқуқбузарликлар содир эти-

лишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этишга бевосита қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг мақсади эса ҳуқуқбузарликларнинг муайян сабабларини бартараф этиш, фуқароларда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ғайри-ижтимоий боқимандалик кайфиятлари ва қарашларга барҳам беришдан иборат. Яқка тартибдаги профилактика фаолияти ўзроқ боғланган бир неча босқичдан ташкил топади:

— ҳулқ-атвори, кайфияти ва қарашлари ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкинлигидан далолат берувчи шахсларни аниқлаш;

— ушбу шахсларни ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни ўрганиш;

— бундай шахслар ҳуқуқбузарлик содир эта олмаслиги учун мумкин қадар ижобий муҳитни вужудга келтириш;

— салбий таъсир манбаларини бартараф этиш;

— ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш (зарур ҳолда — мажбурий тарзда);

— мазкур шахсларнинг ҳулқ-атвори ва турмуш тарзини назорат қилиш;

— олиб борилаётган иш натижаларини вақти-вақти билан текшириб туриш.

Ҳуқуқбузарликларнинг викимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланishi хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат қонунчилик тизими, балки ҳамма жойда барча одамлар томонидан ҳуқуқий қоидаларга амал қилиш,

қонунийликка қатъий риоя этиш демакдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида юқорида айтилганларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш қуйидаги асосий таркибий қисмлардан ташкил топади:

1) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъекти;

2) субъектнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти;

3) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш объекти;

4) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тизими анча мураккаб тизим бўлиб, у қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши мумкин:

1) умумий чора-тадбирлар;

2) махсус чора-тадбирлар;

3) яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари орасида ҳуқуқбузарлик-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқбузарлик-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг қуйидаги турларини айтиб ўтиш мумкин:

а) ҳуқуқбузарликларнинг умумий олдини олиш чора-тадбирлари;

б) муайян ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун яқка тартибда, шахсий жавобгарлик ва жазо чоралари.

Бинобарин, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тизimini кўриб чиқишда тадқиқ қилиш ва тавсифлашнинг қуйидаги схемасидан келиб чиқиш лозим:

1) умумий профилактика чора-тадбирлари;

2) махсус профилактика чора-тадбирлари;

3) яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари, шу жумладан, юридик жавобгарлик ва жазо чоралари.

Ўзбекистон Республикаси-

Фуркат ШОДМАНОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК катта ўқитувчиси

нинг “Прокуратура тўғрисида”-ги (янги тахрири) Қонуни аниқланган қонунбузирилган юзасидан уларнинг бартараф этишга қаратилган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувчи каби прокурор назорати ҳужжатлари турларини белгилайди.

Прокурор назорати ҳужжатлари ҳар доим индивидуал характерга эга бўлиб, улар у ёки бу аниқ орган ёки шахсларга ҳамда муайян фактларга қаратилган бўлади. Прокурорлар қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш натижалари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатлари доирасида қабул қилинадиган ҳужжатларнинг қонунийлигига доимий равишда баҳо бериб бориши лозим.

Санаб ўтилган қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжатлари бевосита аниқ қонунбузилишларни, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу ҳужжатларни қўллаш нафақат умумий, шунингдек, махсус профилактика аҳамиятга ҳам эгадир.

Прокурор назорати ҳужжатларининг мақсади қонунбузилишининг қақсқатан бартараф этилишига эришишга, бузилган ҳуқуқларнинг тиклиниши ва қонунга зид бўлган ҳужжатларни бекор қилишга, аниқланган қонунбузилишининг мазмунини тушунтиришга, уларни бартараф этиш услублари бўйича аниқ тавсиялар беришга, айбдор шахслар доирасини аниқлаш ва содир этилган қонунбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг жавобгарлик масаласини белгилашга, профилактика таъсир ўтказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозимлигига қаратилган бўлиши мумкин.

Қасддан банкротлик энди жазоланади

2014 йил 5 сентябрда матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун шу соҳани янада ривожлантириш, хусусан, банкротлик ҳолатига боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга биноан, қарздор пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмас ҳамда мажбурий тўловлар юзига келган қундан эътиборан уч ой давомда қарздор томонидан бажарилмас, бундай корхона банкрот деб топилади.

Афсуски, кейинги йилларда банкротлик аломатлари мавжуд бўлган корхоналар сони, бюджет ва кредиторлар олдидаги қарздорлик ҳажми кўпайиб боришидан ташқари, мажбурий тўловлардан қочиш ва банкротликнинг сунъий равишда уюштириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бунга амалда суд бошқарувчилари зиммасига мансабдор шахсларнинг ва қарздор мол-мулк эгалларининг ҳаракатида қасддан банкротликка олиб келиш ёки олдиндан ўйлаб содир этилган банкротлик аломати бор-йўқлигини ўрганишни

юкловчи қоидалар йўқлиги сабаб эди. Шу боис, юқоридаги қонун билан “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, ҳужалик суди томонидан тайинланган суд бошқарувчисининг зиммасига сохта банкротлик, уни яшириш, қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳам банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жараёнида ҳужалик судига сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисида илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкинлиги ҳам белгиланди.

Шу ўринда Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги “Ҳужалик юртивчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилishi учун мансабдор шахсларнинг

жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида ҳужалик юртивчи субъектлар раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарлиги, пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасига етказиш учун қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишга олиб келиши кўрсатилганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳам қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодекси 181-1-модда билан тўлдирилиб, эндиликда қасддан банкротликка олиб келиш жиноий ҳаракат сифатида баҳоландиган бўлди. Унга кўра, яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс мансабдори, муассаса ёхуд мол-мулкнинг мулкдори томонидан ўз манфаатларини ёки бошқарилган манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш энг ҳам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд ўч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки ўч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо-

Ойбек АСКАРОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари

ланади. Ушбу моддада рағбатлантирувчи нормалар ҳам назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, қасддан банкротликка олиб келган шахсга етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазо қўлланилмалиги мумкин.

Янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам қасддан банкротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи янги модда киритилди. Яъни қасддан банкротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳаракат туфайли кредиторларга етказилган зарар кўп миқдордан кам бўлса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Бу ҳолатда жавобгар ҳисобланган мансабдор шахсларга энг ҳам ойлик иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинади.

Қонунчилигимизга киритилган бундай янгиликлар юртимиз иқтисодиёти-ни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фирибгарнинг тузоғига илинган ота

Табийки, ўз билимига ишонган, эркин фикрловчи, изланувчан, тиришқоқ, янгиллик ва замонавий билимларни эгаллашга интилувчи зукко ёшлар ўқишларини лавом эттиришда ҳеч қийналмайдилар. Бундай ёшлар ўқув юрталарига кириш учун бўладиган синовлардан қийнамай, осонгина, ҳеч бир муаммосиз ўтадилар.

Аксинча, давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланмай, ўқиш пайтида вақтини беҳуда ўтказган ўқувчилар эса нафақат ўзларига, балки не-не умидлар билан фарзанд ўстирган

ота-оналарига ҳам жабр қилдилар.

Етарли билимга эга бўлмаган айрим ўқувчиларнинг ота-оналари "ўқишга киритиб қўяман", деб фирибгарлик ортидан мўмай даромад орттирмоқчи бўлган кимсаларнинг

тузоғига тушиб қолмоқдалар.

Фуқаро Замира Ерқинаова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нафсининг ногорасига ўйнаб, мўмай даромад орттириш мақсадида фирибгарликни ўзига касб қилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, у фуқароларни фирибгарлик йўли билан алдаб, пул эвазига фарзандларини ўқишга киритиб қўйиш учун "коп-коп" ваъдалар берди. Қисқача қилиб айтганда, у қинғир ишнинг бошини тутди. Халқимиз орасидаги "қинғир ишнинг

қийғи, қирқ йилдан сўнг ҳам ошкор бўлади", деган нақла панжа орасидан қаради. Натижада З.Ерқинаова суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Ўтган йилнинг июль ойида фуқаро Жунайдулла Алиевнинг ўғлини пойтахтимиздаги касбухона коллежларидан бирига ўқишга киритиб қўйишга ваъда берган З.Ерқинаова бу хизмати учун отадан 2200 АҚШ доллари олади. Бироқ, аёлнинг ваъдаси шунчаки фирибгарликнинг Ж.Алиев кеч тушуниб

Равшан ХОДЖАЕВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Миробод туман
бўлими бошлиғи ўринбосари

етди. Пулини қўшқўллаб фирибгарга топширганлигини англагач, у тегишли жойга мурожаат қилди.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Миробод туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда З.Ерқинаовани қилмиши фош бўлиб, суд ҳукми билан у қонуний жазога тортилди.



Тамағирлик, нафсга қўл бўлиш инсонни тубанликка етаковчи, манқуртга айлантириб қўювчи илат саналади.

Тамағирнинг аянчли қисмати

Хушнат ЭШМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Хоразм вилоят
бошқармаси бўлим бошлиғи

Зеро, бу илат авж олган муҳида юксалиш ҳақида орзу қилишга ҳам имкон қолмайди. Шу боис мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаюқ барча жиноятлар қатори коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши кескин кураш бошланди. Унинг самарасини эса амалга оширилган ислохотлар, демократик мезонлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Бу борада бошқармаимиз ходимлари томонидан қўллаб жиноятлар фош этилиб, суд органлари томонидан айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Жумладан, Урганч шаҳар ДСИ талабномаси билан вилоят ҳўжалик судининг ажримига асосан, солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги ошиб кетган "Қурилиш монтаж участкаси" МЧЖ банкрот деб топилди. Мазкур жамият қарздорлигининг асосий қисми Урганч шаҳар ДСИдан бўлганлиги сабабли, инспекциянинг солиқ қарзларини мажбурий ундириш бўлими Давлат солиқ катта инспектори Т.Шерматназаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жамиятнинг тугатиш ишларида қатнашди.

Жамиятга қарашли бўлган Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчасида жойлашган кўп қаватли турар жой 1 млрд. 816 млн. сўмга сотилиб, давлат ва жамоат манфаатларига етказилган 1 млрд. 200 млн. сўмлик зарар тўлиқ қопланади. Жамият ҳисобидида қолган 620 млн. 594 минг сўм пул ва 238 млн. 911 минг сўмлик мол-мулклар эса жамият кредиторлар йиғилишида қўрилиб, жамият таъсисчиси И.Рўзметовнинг турмуш ўртоғи Ш.Жуманиёзова номига очилган пластик қарточкага ўтказиб берилди. Ушбу жараёнда бевосита иштирок этган Т.Шерматназаровга мазкур ҳолатдан қандай йўл билан бўлмасин фойдаланиб қолиш фикри тинчлик бермайди ва у ишга киришди. Яъни Ш.Жуманиёзова ва унинг ўғли Н.Рўзметовларга нисбатан "шунча пулингизни олишда ёрдам бердим, "эримайсизми" қабилида бошланган тамағирлик, бора-бора "бермасангиз, оқибати ёмон бўлади" каби дўқ-пўписаларга уланиб кетади. Н.Рўзметовнинг бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши натижасида Т.Шерматназаров 7000 АҚШ долларини шаҳар ДСИ биноси олдидан пора сифатида олган пайтда ушланади. Ушбу ҳолат юзасидан Т.Шерматназаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, мазмунан қўриб чиқиш учун ЖИБ вилоят судига юборилади. Суд ҳукми билан Т.Шерматназаров узок муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ваколатини унутган инспектор

Мамлакатимизда меҳр-оқибат, қадр-қиммат каби инсоний туйғулар юксак қадрланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муҳофаза масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Соҳага оид қонун ҳамда тегишли қонуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши эса аҳолининг ана шу тоифасини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Хуқуқ-тартибот органлари ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид ҳужжатлар ижросини ўрганар экан, уларнинг манфаатлари қандай муҳофаза этилаётгани, ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида адолат тамойилларига қай даражада амал қилинаётгани алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда. Шундай бўлса-да, баъзан инсофни унутиб, ёрдамга муҳтож инсонлардан ҳам пул ундиришга уринаётганларнинг учраб туриши ачинарлидир.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чироқчи туман бўлимида пенсия ва нафақа тайинлаш гуруҳи инспектори вазифасида ишлаб келган Адҳамжон Юлдошев ана шундай кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. 2014 йилнинг февраль ойида фуқаро М.Музаффарова 2-гурӯх ногирони бўлган акиси

Умрзққ Музаффаровнинг ногиронлик нафақасини ошириш ва 2-гурӯхдан 1-гурӯхга ўтказиш учун Адҳамжон Юлдошевдан маслаҳат сўрайди. Гарчи нафақа миқдорини белгилаш ва ошириш унинг ваколати доирасига кирмас-да, Адҳамжон вазиятдан ўз манфаати учун фойдаланишга уриниб кўради. М.Музаффаровга қонуан тўғри йўл кўрсатиш ўрнига уни чалғитиб, пора беришга ундайди. Ногиронлик гуруҳини ўзгартириш тиббий меҳнат экспертизаси томонидан амалга оширилишини айтиб, бу иш озгина харажат талаб қилишини қис-тириб ўтади.

Адҳамжон Юлдошев суҳбат давомида Мухаббатга ишни битириш учун тегишли жойларга 450 минг сўм беришини, ўзининг хизмат ҳақи эса 200 АҚШ доллари бўлишини айтиди. М.Музаффарова Адҳамжоннинг ҳузуридан чиқиб, унинг гапла-

Ғайрат АЛИҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Чироқчи
туман бўлими бошлиғи

рини чуқур ўйлаб кўради ва кейинроқ инспекторнинг инсофга келишидан умидвор бўлиб, у билан яна учрашди. Бироқ инспектор бу сафар ҳам аввалги гапини такрорлагач, тамағир инспекторнинг хатти-ҳаракати юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга мурожаат этишга қарор қилади.

25 март куни тумандаги Хонжон кўчасида жойлашган ошхонада А.Юлдошев 450 минг сўм ва 200 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман суди Адҳамжон Юлдошевни 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга ҳаромнинг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил-у 6 ой муддатга ахлоқ туза-тиш иши жазосини тайинлади.

Собир Ҳроқов Оқдарё туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи лавозимига ишга тайинланди-ю, мансабни бойлик, пул тўплаш манбаи деб билди, чоғи. Бу жараёнда унга ҳисобчи Норбўта Турсунов, ғазначи Абдусалом Ҳўжамуродов, 1-сонли маданият уйи директори Ойназар Олимов яқиндан ёрдам беришди.

Ўзлаштирилган пуллар қайтарилди

Анвархон ҒАНИЕВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Оқдарё туман бўлими бошлиғи

Натижада 2013-2014 йиллар давомида жамият ва фуқароларнинг манфаатларига анчагина зарар етказилди. Хусусан, С.Ҳроқов бу борада давлатимиз томонидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фуқаро Элёр Турсуновни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаради. Ваҳоланки, бу пайтда Э.Турсунов тумандаги 50-мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Хуллас, унинг номига олти ой давомида иш ҳақи ёзилиб, маблағ бошлиқнинг чўнтагига тушаверади. Коллеж ўқувчиси бўлган Юлдуз Бекмуродова эса тумандаги 1-сонли маданият уйига либосчи лавозимига ишга қабул қилинади-ю, ўзи ишламайди. Унга ҳам маълум муддат сохта ҳужжатлар асосида иш ҳақи ёзилади. Шунингдек, фуқаролар Ҳ.Раббимовага 3 млн. 347 минг сўм, Ж.Тўлаевага 2 млн. сўм, М.Турсуновга 772 минг сўм, А.Яқубовага 1 млн. 32 минг сўм, М.Бойназаровга 54 минг сўм, Х.Набираевага 526 минг сўм, А.Олимовга 948 минг сўм, умумий ҳисобда эса 13 млн. 930 минг сўм маблағ қўшиб ёзилиб, ўзлаштириб юборилади.

Бундан ташқари, улар 2013 йилнинг ўзидаёқ ишчи-ҳодимларга тарқатилиши керак бўлган 8 млн. 780 минг сўмни расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиб, ўзлаштириб юборишди. Шунингдек, С.Ҳроқов ҳеч қандай хизмат сафарига бормаган бўлса-да, сохта ёзувлар киритилган маълумотлар асосида 570 минг сўмни талон-тороҳ қилди.

Давлат маблағларини ўзлаштиришни касб қилган бу шахсларнинг кирдиқорлари фош этилиб, суд ҳукмига қўра уларга тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, улар етказилган зарарни ҳам қайтаришди.

Ноқонуний савдонинг олди олинди

Данияр АСКАРОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Нукус шаҳар
бўлими катта суриштирувчиси

Маълумки, белгиланган тартибни бузиб, валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш давлатимиз валюта захираларига катта миқдорда зиён етказиши боис, қонуналаримизга қўра бундай ҳаракатлар тақиқланган фаолият тури ҳисобланади. Бу каби ҳолатларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш борасида Республика Бош прокуратураси ҳузурлидаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний дарамадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тизимли равишда кескин чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Нукус шаҳар бўлими ходимлари томонидан ҳудуддаги дехқон Женис Дусенов (исм-фамилияси ўзгартирилган) қонунга хилоф равишда бошқарувдаги автомашина салоинида номаълум шахслардан 12 минг 100 АҚШ доллари, 102 минг 500 Қозғистон тенгеси ва 2 минг 950 Россия рублларини сотиб олиб, уларни ўтказиш мақсадида сақлаб қўйганини аниқланди. Шунингдек, автомашина оюкхонаси кўздан кечирилиб, чет эл валюталарини олиб-сотилишга фойдаланган 12 млн. 400 минг сўм ҳам ашёвий далил тариқасида олинди.

Мазкур ҳолат бўйича Ж.Дусеновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилди ва жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланди.

Кечиримлиликнинг юксак намунаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганидан буюн фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида кенг қўллади ислохотлар амалга оширилиб, қонунчилигимиз йилдан-йилга тақомиллаштирилмоқда. Қонунларимизнинг мазмун-моҳияти инсон манфаатларига, унинг эрки, бахт-саодатига қаратилган экан, бу борада ҳар йили давлатимиз раҳбари тақдирномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинаётган амнистия актини инсонпарварлиқнинг юксак намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, кечиримлилик, меҳр-шафқат, йиқилганини суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш ҳақимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳар йили амнистия актининг қўлланилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган жамиятда яшаётганимиздан далolatдир. Бундан ташқари, амнистия чет эл фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилиб, уларнинг жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этилиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий меъёrlарга содиқлигини ҳамда ўзга давлат фуқароларига нисбатан ҳурмат-этиборини ҳам кўрсатади.

Шуни таъкидлаш кераки, амнистия акти уни қўллаш даврида содир этилган қилмишга нисбатан эмас, балки амнистия ҳақидаги қарор қуча киргунга қадар содир этилган қилмишга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68-, 76- ва 79-моддаларига кўра, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқishi: шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши, маҳрум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши, маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатларининг камайtirилиши, маҳрум жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши, маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши, жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши мумкин.

Амнистия актини қўллаш тўғрисида суриштирув ва тергов органи қарор, суд эса ажрим, айблов ҳукми чиқаради.

2014 йил 14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан қабул қилинган мазкур ҳужжат 10 банддан иборат бўлиб, унда маҳкумларнинг қайси тоифалари жазодан озод этилиши, қандай шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар тугатилиши, қандай маҳкумларнинг жазо муддати қисқартрилиши ва ушбу акт қандай шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги аниқ кўрсатилган.

Мазкур ҳужжатнинг 1-бандига кўра, қуйидаги маҳкумлар (қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашлари ҳисобга олган ҳолда): аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор қуча киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичда қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўққинлик қилдиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар жазодан озод этилади.

Қарорнинг 2-бандида эса эҳтиёсизлик орақсида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши кўрсатилган. Шуни олишида таъкидлаш лозимки, ана шу икки бандда кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган жи-



ноятлар тўғрисидаги барча ишлар ҳам тугатилади. Бу эса инсонпарварлиқнинг чинакам намунасидир.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қуча кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирishi жиноятини содир этганлар бундан мустасно) ҳам озод қилинади. Бундан ташқари, қарорда таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш кўрсатилган. Чунончи, қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига; қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатда озодликдан маҳрум қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартрилиди.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 6-бандида озод қилинмас-да, ўталмай қолган жазо муддати қисқартiriladigan шахслар ҳам кўрсатилган. Чунончи, қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига; қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатда озодликдан маҳрум қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартрилиди.

Жиноят билан жиноятнинг фарқи бор. Шунинг учун ушбу қарорнинг 7-бандида бир қатор

шахсларга нисбатан амнистия акти татбиқ этилмаслиги қайд этилган. Узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, ўта хавfli рецидивист деб топилган, жиноий уюшма таркибиде жиноят содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибиде жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш тартибиде жазога алмаштирилган шахсларга мазкур амнистия акти қўлланилмайди.

Юқорида мазкур қарорнинг 1-бандига кўра бир гуруҳ шахслар жазодан озод этилиши қайд этилган эди. Бироқ, бу шахслар ўта оғир жиноят содир этган бўлсалар, уларга нисбатан ушбу банд татбиқ этилмайди, яъни жазодан озод этилмайдилар.

Шунингдек, ушбу қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни, яъни фирибгарлик жиноятини содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга татбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Эътибор қаратган бўлсангиз, бу йилги амнистия актининг аввалгиларидан асосий фарқи шундаки, унда муқаддам амнистия қарорига мувофиқ жиноят иши кўзгатилиши рад этилган ёки жиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод этилган шахсларга нисбатан амнистия қарори қўлланилмаслиги кўрсатилган. Илгари амнистия акти қўллани-

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Нишон туман прокурори

либ, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилинган бўлса-да, яна жиноят содир этган баъзи тоифадаги шахслар — аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан амнистия акти қўлланилар эди. Бу йилги қарорга кўра уларга нисбатан ҳам амнистия акти татбор татбиқ этилмайди.

Шунингдек, қонунга кўра амнистия актини қўллаш учун жиноят иши бўйича жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг розилиги талаб этилмас-да, жиноят иши бўйича амнистия акти қўлланилишига норози бўлган жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар тегишли орган қарори ёки ажрими устидан умумий асосларда шикоят (протест) бериши белгиланган. Бу йилги амнистия актида, юқорида қайд этиганимиздек, Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан ҳам амнистия акти қўлланилмаслиги мазкур жиноят бўйича жабрланганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу албатта, адолатлидир.

Нишон туман прокуратураси томонидан амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилан олиниб, махсус ишчи гуруҳ тузилди. Айни пайтда амнистия акти асосида жазодан озод этиладиган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларни тўла ҳисобга олиш, соғлигини текшириш ва зарур ҳолларда даволаниши учун шароит яратиш, иш билан таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомилик ва васийлик қилишлари назоратига топшириш ҳамда тегишли таълим муассасаларида ўқиниш давом эттиришларига кўмаклашиш олдимида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

Бўлажак оиланинг мустаҳкам ва туғилаётган фарзандларимизнинг соғлом бўлиши учун қизларимизни эрта турмушга бериш, уларнинг таълим олишига қаршиллик кўрсатиш каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликда жавобгарлик белгиланган бўлишига қарама-дан, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган фуқаролар йўқ эмас. Мисол учун, Самарқанд вилоятида яшовчи фуқаро Н.Алиқулова никоҳ ёшига етмаган қизини турмушга берган. Ёки Қўшқўйриқ туманида яшовчи Қ.Қосимов қизи Ш.Қосимованинг Қўшқўйриқ қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежиде таълим олишига тўққинлик қилган. Албатта, ушбу ҳуқуқбузарлар қонун олдида жавоб бериладир.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда 540 та ҳолатда эрта

турмушга бериш ҳолатларининг олди олинди.

Маҳалла фуқаролар йигинларининг айрим мансабдор шахслари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг фарзандларига нафақа тайинлашни асоссиз рад этиш орақли уларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан бу борада ўтказилган назорат тадбирларида фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқмаслик, қонуний талабларини асоссиз рад этиш, нафақа тайинлаш эвазига тамағирлик қилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Шаҳрисабз туманидаги "Чўпон" маҳалла фуқаролар йигини мансабдор шахслари Н.Эргашева ва яна 6 нафар аёлнинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлашни асоссиз рад этганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Фуқаро Н.Мажидинованинг даромади оиласига нафақа та-

йинлаш учун белгиланган мезондан ошмаган бўлса-да, унинг муносабати Вобекент туманидаги "Шакаркент" маҳалла фуқаролар йигини томонидан асоссиз рад этилган. Прокурорлар томонидан қўрилган чоралар натижасида ушбу ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақа тайинлашни таъминланди.

Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мамулумотларга кўра, юртимизда 165 мингдан зиёд хотин-қиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. 4,4 мингдан зиёд аёл фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан уларга амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги "Рухона Жасмина" хусусий корхонаси раҳбари Л.Аҳмедова, Қорақўл туманидаги "Жаҳонгир ширин кулча"

масъулияти чекланган жамияти раҳбари З.Холмуродова, Урганч шаҳридаги "Дилфуза сервис" хусусий корхонаси раҳбари Г.Джуманиязовларга қисқа муддатларда кредит маблағлари олиб берилишида кўмаклашилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қонун талабларини менсимасдан ва мансаб ваколатларидан фойдаланиб, тадбиркорга бюрократик тўсиқлар яратадиган амалдорлар йўқ эмас. Мисол учун, Жарқўрғон туман ҳокимининг ўринбосари С.Тошбоев "Сурхон чарогон" хусусий корхонаси раҳбари С.Ваҳобовага чакана савдониде амалга оширишга рухсат берувчи гувоҳнома бериш эвазига Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига пул ўтказишни талаб қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Аёлга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи гувоҳнома берилиши таъминланди.

Нафс бандалари

Ёшлик завқи, шиллати жўшқин дарёга қиёсланади. Асов дарё пўртаналар ҳосил қилганча, йўлда учрайдиган ҳар қандай говни суриб кеттишга қолиб бўлганидек, ёшликдаги куч-ғайрат ҳам не-не ишларни бажаришга ундай кишини.

Салим Ҳайдаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 27, Қобил Мусаев эса 22, айна тоғни талқон қилдиган ёшдаги йигитлар. С.Ҳайдаров оилали, бир нафар фарзанди ҳам бор. Афсуски, улар ёшлик шижоати-ю, куч-ғайратларидан унумли фойдаланишни ўзларига эп кўрмадилар. Бундан-да ачинарлиси, нопок қилмишларига 16 яшар Санжар Солиевни ҳам шерик қилдилар. Йўқса, қўлларида яхшигина ҳунарлари бор эди. Аммо нафслари голиб чиқиб, тез ва осон йўл билан пул ишлаб олмақчи бўлдилар. Оқибатда эса...

Ўтган йилнинг ёзи. Салимга таниши кўнғироқ қилиб, илгари ишлаган хонадонда бир кунлик чала иш қолганини айтиб, бажариб беришни сўради. Салим ўз навбатида таъмирлаш ишларида қарашиб юрадиган Санжар эсимли ўспиринни чақирди. Эртасига икковлон айтилган манзилга етиб келиб, ишни бошлаб юборишди. Бироз ўтиб, қийналишди чоғи, Қобил эсимли йигитга телефон қилиб, ёрдам беришни илтимос қилишди.

...Қобил улар ишлаётган манзилни тополмай, кўнғироқ қилган. Салимнинг топшириғи билан Санжар телефонга жавоб бериб, йўлни ташунирди. Кўп ўтмай



Қобил ҳам кириб келди. Шундан кейин улар ўртасида нима гап бўлиб ўтди, нималар ҳақида келишиб олишди, буниси фақат Яратганга-ю ўзларига маълум, холос. Нима бўлганда ҳам, улар Салимнинг телефони бузилиб қолганини баҳона қилиб, Санжарга хонадон бекасининг телефонини олишни ва кўчага чиқиб олаётганини айтишди. Санжар улар айтгандек қилди, телефони бузилиб қолганини баҳона қилиб бекасининг қўл телефонини олган, кўчага равона бўлди. Салим эса қурилатган бинонинг иккинчи қаavatига чиқиб кетиши билан, Қобил бекасини чақира бошлади. Бека ичкаридан чиқиб келган, Қобил "шурпу олиб келдим. Кўриб оласизми?" — деди. Аёл бу ишларни тушунмаслигини, шунинг учун ташлаб кетаверишини айтган эди, Қобил "йўқ, шурпуни кўриб олишингиз керак", — дея уни таъмирланаётган бинонинг ичкарасига бошлади. Ҳеч нарсадан беҳабар аёл индамай унга эргашди. Улар хонага киришлари билан Қобил токчада турган шурунни


Ботир ИРИСМЕТОВ,
Олмазор туман прокурори ўринбосари

қўлига олиб, кўрсатди-ю, тўсатдан аёлга ёпишди. Кутилмаган бу ҳолатдан эс-хушини йўқотаётган аёл аввалига нима қиларини билмай қолди. Устига-устак, ўша дамда Салим қўлидаги телефон билан уларни суратга олганча тепадан тушиб кела бошлади. Орадан бир сония вақт ўтар-ўтмас аёл ўзини қўлга олди ва "ёрдам берингла, ўғри", — деб бақаришга тушди. Буни кутмаган Салим шу заҳоти Қобилни ттариб юборди. Бундан фойдаланган Қобил ўзини ташқарига урди. Шовқин, қий-чувни эшитиб, зумда кўни-кўшнлар тўпланишди. Кутилмаган ҳужумдан ҳали ўзига келмаган аёл бир амаллаб эрига кўнғироқ қилди...

Хуллас, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, терговсуриштирув ишлари бошлаб юборилди ва кўп ўтмай нафс бандаларининг кирдикорлари аён бўлди. Маълум бўлишича, Салим билан Қобил "шантаж" йўли орқали пул ишлашни режалаштиришди. Унга кўра, Қобил бекага тегажоглик қиладиган, Салим эса ушбу ҳолатни телефонга ёзиб олиб, аёлни эрига кўрсатиши билан кўрқитиб, ундан пул ундиришни мақсад қилишган экан.

Шўқри, уларнинг нопок режалари амалга ошмади. Суд томонидан Салим Ҳайдаров билан Қобил Мусаевга 7 йил у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этади жазоси тайинланди. Вояга етмаган Санжар Солиевга эса белги-ланган жазо муддати шартлисига алмаштирилиб, 3 йил синов муддати белгиланди.

«Odnoklassniki.ru»дан фойдаланмоқчи бўлди



Алишер ШАМСИЕВ,
Самарқанд туман прокурори ўринбосари

риб олган Фируз унинг суратларини ўз компьютерига кўчириб олди. Кейин Сайёранинг номидан янги профил очди. Бу "ўзбилармонлиги" камдек, қизнинг сурати ёнига инсон шаъни ва кадр-киммати таҳқирловчи сўзларни ҳам ёзиб қўйди. Сайёра Фирузнинг бу қилмишини сезиб қолди ва сайт орқали унга айлна бошлади.

— Илтимос, бундай қилманг! Мени шарманда қилаяси. Ахир бу яхшилликка олиб келмайди, — дея тушунтиришга ҳаракат қилди.

Аммо, Фируз ўзининг қилмишларидан уялиш ўрнига аксинча бошқа таклиф билан чикди.

— Яхши, сиз айтгандек бўлади, фақат бир шартим бор.

— Айтинг, нима экан?

— Мен берган телефон рақамига айтган пулимни ташлаб турсаз.

— Билмадим, ота-онам билан гаплашиб кўрай-чи ёки улар билан ўзингиз гаплашинг.

Сайёранинг онаси Фирузга кўнғироқ қилиб, қизни ҳақорат қилмаслиқни илтимос қилди. Бундан йигитнинг "иштаҳаси" янада очилиб кетди.

— Майли, опаюн, фақат бунинг учун менга туман марказидан "пайнет" дўқони очиб берасиз.

— Кўп нарса сўрамайсизми?

— Кўнсангиз шу, бўлмаса, қизингиз шарманда бўлади.

— Қизининг номига доғ туширманг, илтимос, — аёл йигитни инсофга чақирмоқчи бўлди.

Лекин Фируз ўз гапидан қайтмади. Ўз шаъни ва қадрининг оёқ ости бўлаётганидан жажли чиққан Сайёра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд Фируз Зокировни айбига яраша жазолади. Ахир, бировнинг номус ва орини поймол қилиб, бахтга эришиб бўлмайди-ку! Интернетдан эса фойдали мақсадларда фойдаланиш лозимлигини унутмайлик!

Бугун Интернет тизими кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Ундан тўғри фойдаланганлар учун бу тармоқнинг афзалликлари жуда кўп. Керакли маълумотлар, айниқса, электрон кутубхона тизими фойдаланувчилар учун жуда қўлай ҳисобланади. Интернет оламининг энг машҳур сайтларидан бири саналган "Odnoklassniki.ru"дан эса айна вақтда кўпчилик фойдаланмоқда.

Ушбу сайт қўлай ва арзон алоқа воситаси сифатида миллионлаб кишиларни ўзига мафтун этди. Истаган пайтингиз у ерга кириб, дунёнинг турли бурчларидан истиқомат қилаётган дўстларингиз ва яқинларингиз билан эркин суҳбат қила оласиз.

Бироқ, айримлар бу имкониятдан ғаразли максадлар йўлида фойдаланишни афзал кўришмоқда. Оқибатда эса...

Самарқанд туманида яшовчи Фируз Зокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Odnoklassniki.ru" сайтнинг имкониятларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлди. Унинг бу мақсадига эришишида айрим қизларнинг ишонувчанлиги кўп келди. Фируздан "дўстлик" хабарини олган Сайёра Мўминова уни самимий маънода қабул қилди. Танишиб олишгач, ушбу сайт орқали суҳбатлашиб турадиган бўлишди. Бу орада қизнинг ишончига ки-

— Бутилка оламит, бутилка...

Гўдагини ухлатиб, ҳовлига чиққан Шаҳноза кўчадан келган овозни эшитиб, дарвозадан мўралади. Икки нафар бола аравада кўчама-кўча ишла идишларни йиғиб юришарди. Шаҳноза уйда йиғилб қолган идишларни чиқариб берар экан, "Ҳеч бўлмаса нон пузи бўлар-ку!", дея хаёлидан ўтказди. Эри ёлғиз ўзи оиладагиларни боқаман, деб жони халак, ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам уради. Топгани рўзгорга аранг етиб турибди.

Қабоҳат

Яҳё АНДАЕВ,

Бухоро вилоят прокуратураси катта терговчиси

Бир юмуш билан оғилхонага кирган Шаҳноза боя томорқани сугориб юрган қайнотасини кўриб, бир сесканди. Қайнотаси кайтганидан бери унинг уйдан хотиржамлик йўқолган. Бу кимса йўқ жойдан жанжал чиқаришга уста эди. Шаҳноза чиқиб кетмоқчи эди, оёқ остидаги этикка қоқилиб тушди. Бунга аҳамият бермай, йўлида давом этди. Аммо ўша ондаёқ "Этикни жойига қўй", деган дўкни эшитиб, орқасига ўгирилди.

"Жойида турибди-ку", у хаёлидан тўтказди. Шу пайт қайнота яна ўшқирди, бу етмагандек, сўкинди. Шаҳноза унинг феълини билгани учун индамади. Бироқ қайнота буни беписандликка йўлди. Қўлидаги хаскаш билан келиннинг бўйнига тушириб қолди. Зарбдан хаскашнинг дастаси иккига бўлиниб кетди. Шаҳноза жон ҳолатда бақирганча, ҳовлига югуриб чикди. Аммо, кўзи қонга тўлган қайнота унинг изидан қувиб етиб, сочидан тортиб ерга йиқитди ва судраганча оғилхонага олиб кирди.

Дарвоза очиб бўлгани учун ҳовлида уй берган воқеага кўзи тушган ишча оловчи болалар кўрқанларидан қочиб қолишди.

— Этикни ол дедим сенга! Этикни-и-и ооо-ол!

Шаҳнозанинг ялиниб-ёлворишлари йиртқичга айланган қайнотанинг кулоғига кирмасди. Эшик ёнида турган болгани олиб, шаштидан тушгунча келиннинг бошига ураверди.

Ҳовлида ўйнаб ўтирган Шаҳнозанинг қизалоқлари бобосининг ваҳоҳатини кўриб, дир-дир титраганча, йиғига тушишди. Беш ёшли тўнғич қизи эса кўчага отилди.

Қайнота — Нормурод Умедов, 1960 йилда туғилган, муқаддам беш маротаба судланган. Дастлаб ўн етти, кейин йигирма ёшида жиноят содир этгани учун судланиб, жазога тортилган. 1996 йилда турмуш ўртоғини ўлдиргани учун суд томонидан хавфли рецидивист деб топилган. 2005 йилда бировга қасддан тан жароҳати етказгани учун яна жазо олган. 2010 йилда ўғирлик жинояти содир этгани учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. 2012 йил суд ажримига кўра жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тўзатиш ишлари жазосига ўзгартирилган. Айни пайтда жазо муддатини ўтаётган Н.Умедов Вобкент туманидаги "Ақобир Бақо Қобил" фермер ҳўжалигида ишчи бўлиб ишлаган.

Вобкент туманидаги "Қўлиодина" МФЙ раисининг суддаги кўрсатмасидан: "Н.Умедов қамоқдан озод этилган, ўғли, келини ва неваралари билан бир уйда яшарди. Улар ўртасида бир неча бор жанжаллар бўлган. Ҳар қал маҳалла аҳли уларни яраштириб кўярди. Афсуски, натижа бўлмади."

Разиллик ботқоғидан сув ичган Н.Умедовга ҳеч бир нарса ёқмади. Назаридо ҳамма унга итоат қилиши керак, худбин ва баджаҳллиги учун можароларнинг бош сабабчиси бўларди. Унга биров насихатми, танбэхми бериб кўрсин-чи, оғиз жуфтлаганига пушаймон едирарди.

Йиғлаганча ҳаллослаб, шу атрофда яшайдиган ҳоласиникига ёрдам сўраб чошиб бораётган қизчани йўлакда турган Э.Собиров тўхтатмоқчи бўлди.

— Бону, нимага йиғлаб юрибсан? Қаерга кетяпсан?

— Онамни бобом, бобом уряпти, оғизларидан қон оқаяпти, — аранг айта олди қизалоқ.

Э.Собиров дарҳол қизалоқнинг отаси — синфдоши Б.Умедовга кўнғироқ қилди.

Б.Умедовнинг кўрсатмасидан: "Отам онамни ўлдириб судланган, мен саккиз ёшимда икки укам билан етим қолиб, қариндош-уруғларнинг қўлида катта бўлдим. Охириги марта камалиб, 2012 йилда қайтган отам биз билан яшаб, турли баҳоналар билан менга ҳам, турмуш ўртоғимга ҳам тинчлик бермасди."

2014 йил 7 август куни эрталаб ишлаш учун чиқиб кетгандим. Соат 12:00ларда синфдошим Э.Собиров кўнғироқ қилиб, "Отанг ёмон иш қилиб қўйганга ўхшайди, тез етиб кел", — деди. Келсам, оғилхонада Шаҳноза қонга беланиб ётибди. Уч, беш ёшли ва олти ойлик уч нафар фарзандларим билан қолдим..."

Суд Нормурод Умедовга 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



БМТнинг талаби

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Нигерияда «Боко Ҳарам» ташкилоти томонидан уюштирилаётган ҳужумларни қоралаб чиқди. Бу ташкилотдан тезлик билан ва сўзсиз равишда қуролларини топшириб, гуруҳларини тарқатиб юборишни талаб қилди.

“Хавфсизлик Кенгаши “Боко Ҳарам” ташкилотини зудлик билан қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлиб, ўз ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга даъват этади”, — дейди БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши вакилларида бири бўлган чилилик дипломат Кристиан Баррос Мелет.

Шунингдек, кенгаш ушбу жангарилардан 2014 йилнинг апрель ойида Нигериянинг Борно штатидаги мактабларнинг биридан ўғирлаб кетилган 276 нафар ўқувчини ҳам асирликдан озод этишлари лозимлигини таъкидлаган. Маълумотларга кўра, жангарилар бу асирлардан камикадзё сифатида фойдаланишмоқда. Хавфсизлик Кенгашида бу ташкилотнинг ишлари “инсониятга қарши жиноятлар” сифатида кўрилмақда.

Таъкидлаш жоизки, “Боко Ҳарам” гуруҳининг ҳужумларида маҳаллий аҳоли оммавий равишда ўз ватанларини ташлаб, қўшни Камерун, Нигер ва Чад давлатлари ҳудудига қочиб ўтишмоқда.

Дунёнинг энг бой аёли



“Wealth-X and UBS Billionaire Census 2014” наشري бутун дунё миллиардерлари рўйхатини чоп этади. Бу рўйхатдан ҳаммаси бўлиб 2325 миллиардер жой олган. Уларга тегишли бўлган умумий маблағ 7,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур рўйхатдан 216 нафар миллиардер аёл жой олган бўлиб, улардан 17 фоизигина бойликларини ўз кучлари билан топган эканлар.

Дунёнинг энг бой аёли деб АҚШлик Кристи Вэлтон тан олинди. Унинг бойлиги 37,9 млрд. долларни ташкил этади. Унга бундай улкан бойлик “Walmart” гипермаркетлар тармоғи асосининг ўғли, аёлнинг турмуш ўртоғи Жон Вэлтондан мерос қолган. Жон 2005 йилда авиаҳалокат туфайли вафот этган эди.

Европа қитъасининг энг бой аёли деб “L’Oreal” косметик компаниясининг 92 ёшли эгаси Лириан Бетанкур тан олинди. Унга бу компания отасидан мерос қолган. Унинг бойлиги 3,3 млрд. доллар деб баҳоланди.

Яқин Шарқнинг энг бой аёли “Апоалим” банкнинг назорат пакети ҳамда “Arison Investments” компаниясининг эгаси исроиллик Шери Арисон деб топилди. Унга бу бойлик отаси Тед Арисондан мерос сифатида ўтган. Унинг бойлиги 4,2 млрд. доллар деб қайд этилди.

Ўйин туфайли вафот этди

Тайванда компьютер ўйинлари ишқибози бўлган 32 ёшли йигит уч кун давомида компьютер қаршисида турли ўйинлар ўйнаб, ўтирган жойида вафот этди, дея хабар бермоқда Хоризж матбуоти.

Тайвандаги интернет-клублардан бирида уч кун давомида ўйин ўйнаб ўтирган 32 ёшли геймерга администратор яқинлашганида у креслода ҳаракатсиз ўтирарди. Ушбу шахс билан бундай ҳолат авваллари ҳам содир бўлган



бўлиб, йигит кўпинча компьютер қаршисида мудраб қоларди. Бироқ бу сафар бундай бўлмади, у ўз жойидан жонсиз ҳолда топилди.


Яқин Шарқ учун ёрдам

Япония Яқин Шарқ давлатларига 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдорига ёрдам беради. Бу ҳақда Яқин Шарқ давлатларига ташриф буюраётган кунчиқар юрт бош вазири Синдзо Абэ Миср пойтахтида маълум қилди. Бу маблағларнинг катта қисми гуманитар эҳтиёжлар ва минтақа инфратузилмасини ривожлантириш учун ишлатилишини таъкидлаб ўтди.

Бош вазир ушбу маблағлардан 200 млн. АҚШ доллари асосан Сурия ва Ироқ ҳудудига ҳаракатланаётган, экстремистик гуруҳлар билан курашаётган давлатлар учун ажратилса, қолган катта қисми қочоқларни қабул қилаётган давлатларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилишини айтиб ўтди.

Яқин Шарқ давлатларига ташриф буюраётган Синдзо Абэ биринчи бўлиб Мисрга келди. У мамлакат президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисий билан учрашув ўтказди ва Мисрга энергетик секторни ва иқтисодийнинг бошқа объектларига, шу жумладан, Қоҳира метроси ва халқаро аэропортини ривожлантириш учун кредит тарзида 360 млн. АҚШ доллари ажратишга ваъда берди.

Шунингдек, учрашув давомида Синдзо Абэ Фаластин-Исроил можароси хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Япония бош вазири ушбу икки давлат муносабатлари, шунингдек, террорчиликка қарши кураш хусусида Иордания, Исроил ва Фаластин давлатларига ташриф буюрганда яна батафсил тўхталиб ўтишини таъкидлади.



Вазирнинг антиқа мурожаати

Австралия ташқи ишлар вазири Жули Бишоп Сидней марказида жойлашган “Martin Place” туманида йўқотиб қўйган зирагини топишга твиттер ижтимоий тармоғи фойдаланувчиларидан ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилган.

Ж.Бишоп твиттердаги ўзининг тармоғида “Martin Place”да зирагимни йўқотиб қўйдим. Агар кимдир уни топиб менга қайтарса, жуда миннатдор бўлардим”, деб ўзининг телефон рақамини ёзиб қолдирган.

Таъкидлашларича, твиттер фойдаланувчилари вазирнинг мурожаатига турли фикрлар билдиришган. Мисол учун, баъзилар вазирнинг аккаунти хакерлар томонидан бузилган деб таҳмин қилган бўлсалар, бошқалар эса вазир шу тарихка аҳоли билан ҳазил қилган бўлса керак, деб ўйламоқдалар. Яна бир гуруҳ фойдаланувчилар эса, вазирнинг бу мурожаатини ғалати деб ҳисоблаб, зиракни топиб бериш ҳақидаги илтимос вазир учун номуносиб эканлигини айтишган.

БААда шиддатли тўфон

Хабарларга кўра, Бирлашган Араб Амирликларида бошланган шиддатли тўфон 12 соат давом этган. Ёзилишича, шомол тезлиги 65 км/соатга етиб, ҳафтанинг бошида Абу Дабида бошланган гайритабиий тўфон ва жала йўл ҳаракатининг тўхтаб қолишига сабаб бўлган.



Кейинчалик ушбу тўфон мамлакатнинг бошқа ҳудудларини, жумладан, Рас ал-Хайма, Шаржа ва Ажман амирликларини ҳам қамраб олди. Метереология ва сейсмология Миллий маркази вакилининг маълумотига кўра, энг кучли ёғингарчилик 38,2 мм. ни ташкил этган бўлиб, Жабал Жайшда қайд қилинган. Ёмғирнинг шиддатига қараганда, у қорға айлиниши мумкин. Тўфоннинг “гайритабиий” деб ҳисобланишига сабаб — у мамлакатнинг айрим ҳудудларида сел ва тошқинларга, баъзи жойларида эса чанг-тўзон кўтарилишига олиб келди. Бундан ташқари, ушбу табиий офат йўл ҳаракатининг тўхтаб қолишига, турли аварияларга, коммунал хизматдаги узилишларга сабаб бўлди.

Ҳаво таксилари

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра Қозоғистон Республикасининг Остона ва Олмаота шаҳарларида истиқомат қилувчи аҳолига «Ҳаво такси» хизмати ўз вертолётлари билан фойдаланишни тақдир қилмоқда.



Маълумотларга кўра, такси парвозлар 600 километр масофада амалга оширилади. Ҳаво таксиси хизматининг вертолёт паркида Қозоғистонда йилгилан 16 та еврокоптер, 7 та «Ми-8», 3 дона «Robinson» вертолётлари мавжуд.

Хизмат нархи шароитларга, масофанинг узоқлигига қараб белгиланади. Парвознинг бир соати учун 300-800 минг тенге атрофида тўланмоқда. Лойиха ҳаётга татбиқ этилганидан буён 10 та рейс амалга оширилган.

Ўққа тутилган уй

Хоризж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, АҚШ вице-президенти Жо Байденнинг Делавэр штати Гринвилл шаҳрида жойлашган уйи олдига ўқ овозлари эшитилган.



Хабарда айтилишича, автомобил ҳайдовчиси ўйнинг олдидан ўтиб кетаётиб, бинога қарата бир неча марта ўқ узаган ва воқеа жойидан қочиб қолган.

АҚШнинг юқори лавозимдаги раҳбарларининг хавфсизлигига жавоб берувчи махфий хизмат ходимлари ва полициячилар жиноятчини қувиб ета олишмаган.

Маълум бўлишича, воқеа содир бўлган вақтда Жо Байден ҳам, унинг рафиқаси ҳам уйда бўлмаган экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2015 йил 23 февралда тақридан ўтказилган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари куйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу давлат активлари учун энг камида жадвал иловаларда келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда (буйруқ иловаларига мувофиқ жадвалларда келтирилган) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусخала.
Савдо қўлибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичда олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2015 йил 23 февраль кунини соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади. Ушбу кунини савдолар бўлмаган тақдирда, 2015 йилнинг 9, 23 март, 6, 20 апрель, 4, 18 май, 1, 15, 29 июль ва 13, 27 июль кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-35-08
Хизматлар лицензияланган

Оммавий оферта савдоларига тақридан чиқарилаётган давлат активлари
Рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархдан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халка йўли (Нижов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 586 030 260	2 195 343 420,00	1 йил
2	“Махсусбўтлашга” МЧЖ	35,86 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	“Махсусбўтлашга” МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 640	100 000 000,00	1 йил
3	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичда энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шартли билан.	
4	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	1 850 800 000,00	1 йил
5	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010 100 000,00	1 йил
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Объектларни сотилиш нархи (объектларни савдога чиқарилган нархдан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотураар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6“Б”-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	340 108 457,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш;	
2	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	29,5 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Мирқилова кўчаси, 68а-уй	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	197 104 700,00	177 394 230,00	- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичда)	
3	«YENGMATJMARKA ZI» МЧЖ	25,0 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй	«YENGMATJMARKAZI» МЧЖ	25.04.2012 №1743	243 444 680,00	219 100 212,00		
4	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғини бошқармаси» МЧЖ	98,64 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Толипов кўчаси, 3-уй	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғини бошқармаси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	517 726 900,00	465 954 210,00		
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари	
1	Авария-электр хизмати ва омборхона бино-иншоотлари	471,0	Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Абдуллаев (М.Улугбек) кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар «Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси»	25.04.2012 № 1743	288 774 883,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичда)		
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объектнинг манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари	
1	«ISSIQLIKQUVVATA' MIR» МЧЖ	25 % давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй	«ISSIQLIKQUVVATA' MIR» МЧЖ	25.04.2012 №1743	1 270 018 215,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - Ушбу улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш;		
2	“Тошкоммуналтаъминот” МЧЖ	48 фоз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яшнобод(собик Хамза) тумани, Чашма кўчаси, 3-уй	“Тошкоммуналтаъминот” МЧЖ	25.04.2013 ПК-1743	1 395 169 600,00	- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичда)		
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объектнинг манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари	
1	Физикалар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил	
2	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил	
3	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил	
4	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил	
5	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил	
6	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиши тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил	
7	“Таууорлов савдо” МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй	“Таууорлов савдо” МЧЖ	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	-	-	
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объектнинг манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари	
1	2 қаватли бинонинг 1 қаватлидаги умумий майдони 79 кв. метрга тенг қисми	79,00	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	72 672 000,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш;		
2	Қурилиши тугалланмаган бино	2 194,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ-бўйи кўчаси	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги	25.07.2013 № 209	1 404 154 739,00			
3	3 қаватли бино-иншоот	2 207,00	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	1 947 155 863,00	- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичда)		
4	1 қаватли бино	633,00	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий-5, Магазин Мавзук кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	580 129 403,00			



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк қуйдаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ТЕЖАМКОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда «Асака» банк 90дан ортик турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкун филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалли ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти

барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 14.01.2015 йилдаги 89-01-22 - сонли ва 19.01.2015 йилдаги 150-01-22 сонли хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйдаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Янги замон кўчаси ҳудудда икки қаватли (биринчи қаватда умумий овқатланиш ҳамда савдо ва маъиш хизмат кўрсатиш дўконлари, иккинчи қаватда гўзаллик уйи ва турар жой) биноси қурилиши учун **1600,0 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати **1 558 768 сўм**.

2. А.Қодирий кўчаси ҳудудда икки қаватли (ертўласида спортзал, биринчи қаватда савдо дўконлари, миллий чойхона ва парҳез таомлари ошхонаси, иккинчи қаватда турар жой) биноси қурилиш учун **1400,0 кв.м. ер** участкаси. Ер участкасидан фойдаланишнинг минимал қиймати **1 363 922 сўм**.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топ-

шириги асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртмаомаларни қабул қилиш билдириш-нома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 25 февраль кунини соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 26 февраль кунини соат 16:00да очилади ва 2015 йил 27 февраль кунини соат 10:00да маъзур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор гўлиб деб топилди.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Савдогарбанк» Фарғона вилоят бўлимидаги МФО-00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 х/р.га тўлашлари керак.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйдаги ҳужжатларни икки нусxada тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқловчи

ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишонч-нома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вақил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ҳужжатларига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадан танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz. Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунини 94-сонли «Истеъмол товарлари билан улуржи ва чакана савдонини ташкил этишни тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига ҳамда Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» АК тутатиш комиссиясининг

2014 йил 15 декабрдаги 98-сонли хатига асосан Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг қуйда келтирилган жамиятдаги улушлари тақоран аукцион савдосига қўйилади.

1. Ёзёнов туман «Матлуботсавдо» МЧЖдаги **25,0 фоз** улуши, бошланғич баҳоси **18 764 635 сўм**.

2. «Янгиқўрғон Файз Инвест» (собиқ Бувайда туман «Матлуботсавдо») МЧЖдаги **25,0 фоз** улуши, бошланғич баҳоси **40 589 126 сўм**.

3. «Омадли Инвест Тараққиёти» (собиқ Фурқат туман «Матлуботсавдо») МЧЖдаги **31,55 фоз** улуши, бошланғич баҳоси **58 416 203 сўм**.

4. Учқўриқ туман давлат таъминоти корхонасидаги **100 фоз** улуши, бошланғич баҳоси **1 045 926 сўм**.

5. Бойғол туман «Тайёрловсавдо» МЧЖдаги **24,99 фоз** улуши, бошланғич баҳоси **30 302 766 сўм**.

Аукцион савдолари 2015 йил 5 январь кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдога қатнашиш учун аризалар 2015 йил 2 январь кунини соат 17:00гача қабул қилинади. Савдога қўйилган «объект»ларнинг ҳужжатлари билан «Савдо ташкилотчиси» да бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидан улушнинг номи кўрсатишган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» «EFFECT REAL GROUP» МЧЖнинг режисит-лари, ИИН: 302128329, МФО-00500, «Савдогарбанк» Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар буйича қуйдаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84. Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига «Кўқон ёр-мой» ОАЖ балансидаги Наманган вилояти, Поп тумани, Санг қишлоғида жойлашган қурилиш тугалланмаган «Болалар боғчаси» тақоран аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси 332 274 680 сўм**.

Аукцион савдолари 2015 йил 9 февраль кунини соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдога қатнашиш учун аризалар 2015 йил 6 февраль кунини соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан «Савдо ташкилотчиси» ёки «Кўқон ёр-мой» ОАЖда бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объектнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидан объектнинг номи кўрсатишган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» «EFFECT REAL GROUP» МЧЖнинг режиситлари, ИИН: 302128329, МФО-00500, «Савдогарбанк» Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — уларнинг усталининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдога ҳамда савдо натижалари буйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ваколатли вақил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар буйича қуйдаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84 «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ. Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган



Ёшлар ишончни оқлашди

Осиё кубоги мусобақасининг гуруҳ босқичи 2-турида Хитой терма жамоасига мағлуб бўлган Миржалол Қосимов шогирдлари мухлисларнинг ҳафсаласини пир қилган эди. Очиғи, хитойликлар билан бўлган ўйинда бош мураббийнинг таркиб аниқлашдаги танлови ҳамда терма жамоамиз футболчиларининг майдондаги хатти-ҳаракатлари эътирозларга сабаб бўлган эди.

Дарҳақиқат, ўша учрашувда терма жамоамиз жуда бўш ўйин кўрсатиб, ғалабани қўлдан чиқариб юборган эди. 3-турда рўбарў бўладиган рақибимиз — Саудия Арабистони терма жамоаси эса Миржалол Қосимов шогирдлари аранг ютган Шимолий Корея терма жамоаси дарвозасига нақд тўртта гол уриб, кучли жамоа сифатида ўзларини намойён қилишган эди.

Гуруҳда сўнгги ўйинда Ўзбекистон миллий терма жамоасини фақатгина ғалаба кейинги босқичга олиб чиқарди. Саудия Арабистони терма жамоасини эса дуранг ҳам қониқтирдирди. Шунинг учун ҳам Миржалол Қосимов асосий таркибда бир қатор ўзгаришларга қўл уриб, Сардор Рашидов, Жамшид Искандаров ва Шуҳрат Мухаммадиев каби ёш, тезкор футболчиларини майдонга туширди. Бу эса амалда ўз натижасини берди.

Бу учрашувда умидли футболчиларимиздан бири бўлмиш Сардор Рашидов асосий таркибда майдонга тушишга ҳақли эканлигини ўйиннинг иккинчи дақиқасидек исботлади. Сардор чап қанотдан рақиб жарима майдончасига ёриб кириб, чап оёқда зарба берди. Тўп дарвозабоннинг оёқлари орасидан ўтиб, дарвоза тўридан жой олди.

Сал кейинроқ эса Шуҳрат Мухаммадиев ҳам асосий таркибга лойиқ ўйинчи эканлигини ўз голи билан исбот-

лашга ҳаракат қилди. Бироқ зарба беришда бироз хатога йўл қўйди. У Одил Аҳмедов билан девор усулида ўйнаб, жарима майдончасига кириб борди ва химоячининг устидан тўпни олиб ўтиб, кучли зарба йўллади. Тўп дарвоза устунини ёнидан ўтиб кетди. Яна бир иқтидорли ёш футболчимиз Жамшид Искандаров шу куни ўз ўйинини топа олмади. Бироқ ҳаяжонланди чоғи, қутилганидек ўйнай олмади.

Бу учрашувга терма жамоамизни сардор сифатида майдонга бошлаб тушган Одил Аҳмедовнинг ҳам ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш керак. У бутун ўйин давомида тинмай ҳаракат қилди, ҳужумларни ташкил қилишда ҳам, рақиб жамоа ҳужумларини бартараф этишда ҳам фаол бўлди. Шу куни О.Аҳмедов ҳақиқий сардорларга хос тарзда ҳаракат қилди дейишимиз мумкин.

Бевосита ўйинга тўхталадиган бўлсак, биринчи бўлимнинг ўрталарига келиб футболчиларимиз майдондаги устунлиқни рақибларга бериб қўйишди. Натижада вакилларимиз Саудия Арабистони терма жамоаси томонидан уштирилаётган ҳужумларни бартараф этишга мажбур бўлишди. Айниқса, иккинчи бўлим рақибларнинг фаол ўйинлари билан бошланди. Футболчиларимиз эса бироз ўзларини йўқотиб қўйишгандек эди. Майдонда устунлиқни рақибларга бериб қўйиш яхши натижага олиб келмаслиги турган гап эди. Учрашувнинг 60-дақиқасида чап қанотдан жарима майдончамиз

ичига ҳаволатиб узатилган тўп учун курашда рақиб футболчиси Виталий Денисовга урилиб кетиб йиқилди. Австралиялик ҳакам Бенжамин Уильямс дарвозамизга пенальти белгиларди. Очиғи, ҳакамнинг нима сабабдан бундай қарорга келганини тушуниш қийин эди. Эҳтимол, бошқа ҳакам бўлганида саудиялик футболчини пенальти ишлашга интилгани учун сариқ карточка билан жазоланган ҳам мумкин эди. Бенжамин Уильямс эса пенальтига қўшимча равишда В.Денисовни сариқ карточка билан "сыйлади". Одатда ҳакамлар бундай даражадаги ўйинларда бироз бўрттириб айнтганда, икки юз фоиз амин бўлсаларгина 11 метрлик жарима зарбаси белгиланган жазм этишарди. Нима бўлган тақдирда ҳам, пенальти белгиланди ва саудияликлар ҳисобни тенглаштиришди.

Ана энди ҳаммаси тамом бўлди, деган фикр ўтган бўлса керак кўпчилик мухлислар ҳаёлидан. Дарҳақиқат, бу ҳавотирли ҳолат эди. Сабаби, одатда араб жамоалари керак бўлса "актёрлик маҳоратлари" ни ишга солиб бўлса-да, ўзларига керакли натижани ушлаб қолишга ҳаракат қилишарди. Буни яхши англаган терма жамоамиз футболчилари дарҳол ҳужумга зўр беришди. Вакилларимизнинг бу уринишини рақиблар жарима майдонлари чизигида ўйин қотдасини бузиш билан тўхтатишди. Терма жамоамиз футболчилари ҳисобда олинган ўтиб олиш учун яхши имкониятга эга бўлишди.

Бу вазиятнинг терма жамоамиз фойдасига ҳал бўлиши фақатгина футболчиларимиз маҳоратига боғлиқ эди. Жарима зарбасини жабрланувчининг ўзи — Сардор Рашидов амалга оширди. Ана ундан кейинги "томоша"ни кўринг. Рақиб футболчиси гўё Анзур Исмоилов уни туртиб юборгандай шунақанги маҳорат билан йиқилдики, дарвозабондан қайтган тўпга эга қайётган футболчиларимиз ҳакамнинг хўштагидан сўнг ўйинни тўхтатишга мажбур бўлишди. Шу тариқа ҳакам Саудия Арабистони терма жамоасини гол урилиши мумкин бўлган вазиятдан асраб қолди.

Терма жамоамиз бош мураббийи вазиятни ўнглаш мақсадида иккинчи ҳужумчини майдонга туширди. Айнан Воҳид Шодиев терма жамоамиз жонига оро кириб, ўйиннинг 71-дақиқасида Шавкат Муллажоновнинг ўнг қанотда жарима майдонига узатган тўпини боши билан саудияликлар дарвозасига жойлаб қўйди.

Шундан сўнг Саудия Арабистони терма жамоаси футболчилари яна ҳисобни тенглаштириш мақсадида ҳужумга зўр беришди. Рақибнинг бутун жамоа бўлиб ҳужумга ўтиши Миржалол Қосимов шогирдларига

қўл келди. Ўйиннинг асосий вақти туғашига 10 дақиқа қолганида футболчиларимиз амалда ҳаммасини ҳал қилишди. Жасур Ҳасанов чап қанотда олдинга бориб, жарима майдонга яқинлашаётган Сардор Рашидовга ажиб равишда тўпни узатди. Сардор эса бу имкониятни кўкка соғувмай, рақиб дарвозасини ишғол қилди ва дублга эришди.

Шу тариқа футболчиларимиз қийин кечган учрашувда ғалаба қозониб, гуруҳдан чиқиш масаласини удаллашди. Энди чорак финалда Миржалол Қосимов шогирдларини қитъамиздаги энг кучли терма жамоалардан бири қутиб турибди. Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўйинда ҳам футболчиларимиздан шундай шиддатли ҳамда тезкор ўйинни қутиб қоламиз.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз иштирокидаги чорак финал баҳси 22 январь куни Тошкент вақти билан соат 12:30да бошланади.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони 3:1

Голлар: 1:0 — С.Рашидов(2-дақиқа), 1:1 — Ал Саҳлавий(60-дақиқа, пенальти), 2:1 — В.Шодиев(71-дақиқа), 3:1 — С.Рашидов(79-дақиқа).



Жаҳон чемпионати-2018: терма жамоамиз саралаш ўйинларини 2-босқичдан бошлайди

Осиё Футбол Конфедерацияси Россия давлатига бўлиб ўтиши режалаштирилган ЖЧ-2018 мусобақасига 1-саралаш босқичи қуръаси санасини таслиқлади.

Унга қўра, ушбу саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими жорий йилнинг 10 февраль куни Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтади.

Аввалроқ Осиё Футбол Конфедерацияси ЖЧ-2018 саралаш бахслари механизмига бир қатор ўзгаришлар киритгани ва унга қўра ЖЧ-2018 ва ОК-2019 саралаш бахслари бирлаштирилгани ҳақида маълумот берилган эди.

ОФК тасдиқлаган қарорга қўра, ЖЧ-2018 Осиё қитъаси саралаш бахслари 1-босқич ўйинларидан бошланади. Мазкур саралаш босқичида ОФК рей-

тингининг қуйисидан жой олган жами 12 та терма жамоа икки ўйиндан иборат плей-офф босқичида иштирок этади.

"Уй-сафар" тизимида ўтадиган мазкур босқич ўйинлари 12 ва 17 март кунлари бўлиб ўтади. Ушбу жуфтликларда ғалаба қозонган 6 та жамоа эса навбатдаги босқичга йўл олади.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2018 саралашини 2-босқичдан бошлайди. Ушбу босқичда 40 та терма жамоа ҳар бир гуруҳда 5 тадан 8 гуруҳга бўлинган ҳолда курашни давом эттирадидлар. Ушбу босқичда ҳам ҳар бир жамоа "уй-сафар" тизимида баҳслашади. Яъни ҳар



FIFA WORLD CUP RUSSIA 2018

бир гуруҳда жамоалар жами 8 тадан учрашув ўтказади. Гуруҳдаги жамоалар сони тоқ бўлгани учун ҳар бир турда 2 тадан учрашув ўтказилади ва бир жамоа дам олади.

ОФК тақвимида қўра, ушбу гуруҳ ўйинлари 2015 йилнинг 11 июнидан 2016 йилнинг 29 март кунига қадар бўлиб ўтади. Тур ўйинлари бўлиб ўтадиган саналар эса қуйидагилар: 11 июнь (1-тур), 16 июнь (2-тур), 3 сентябрь (3-тур), 8 сентябрь (4-тур), 8 октябрь (5-тур), 13 октябрь (6-тур), 12 ноябрь (7-тур), 17 ноябрь (8-тур), 24 март (9-тур) ва 29 март (10-тур).

Гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритган 8 та жамоа ва энг яхши иккин-

чи ўринни қўлга киритган яна тўрт жамоа Осиё кубоги-2019 мусобақасининг финал босқичига тўридан-тўри йўлланмани қўлга киритади ва ЖЧ-2018 финал босқичи йўлланмаси учун 3-саралаш босқичида курашни давом эттиради. Эндиликда ЖЧ-2018 саралашининг сўнгги босқичида аввалгидек 10 та жамоа эмас, балки 12 та жамоа 6 тадан икки гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боради. Ушбу гуруҳларда дастлабки икки ўринни эгаллаган 4 та жамоа эса ЖЧ-2018 финал босқичига йўл олади.

Иккинчи саралаш босқичида сўнгги ўринни эгаллаган жамоалар эса ОК-2019 финал босқичининг қолган 12 та йўлланмаси учун кураш олиб боришади. Эслатиб ўтамиз, Осиё кубоги-2019 финал босқичида аввалгидек 16 та эмас, 24 та жамоа иштирок этади.

Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85.
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yomalar taqriq qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.
Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma **S-1922.47286** nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **F.YODGOROVA**
Sahifalovchi: **S.BABAJONOV**
Navbatchi: **O'.DEHQONOV**
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004